O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 25 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 32 (7331)

Da'vat

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Японияниинг янги энергия ҳамда саноат технологиясини ривожлантириш ташкилоти томонидан ташкил этилган Халқаро танловда Канада, АҚШ, Япония тадқиқотчилари қаторида ҳамюртимиз — ЎзФА иссиқлик физикаси бўлими профессори Анвар Зоҳидов ҳам грант соҳиби бўлди.



ФАРАҲБАХШ КУН

Наманганда энг замонавий таълим муассасаси очилди

Ўтган ҳафта якунида Наманган вилоятига ташриф буюрган Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев гуллар шаҳрининг энг серфайз кунларидан бирининг гувоҳи бўлди. Шу куни Наманган вилоятида бешта маъмурий бинонинг фойдаланишга топшириш маросимлари ўтказилди. Наманган шаҳридаги 50-мактаб ҳамда Наманган тумани марказида бунёд этилган "Соғлом авлод маркази"нинг очилиш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборовлар иштирок этди.

Илгари бошланғич синфларнигина ўқитишга мослашган 50-мактабнинг янги биноси 1200 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, шарқ ҳамда ғарб меморий усулларининг уйғунлашувини ўзида мужассам этади. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар шаҳардаги 54 та мактабдан фарқли ўлароқ, бу маскан янги қурилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари биноларию жиҳозланишидан қолишмайдиган даражада эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда сўзга чиққан Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев иштирокчиларни қизғин қутлаб, асосан ўқувчиларга мурожаат қилди: "Азиз болажонлар, ўқувчилар! Мана вилоят, шаҳар раҳбарлари сизлар учун шундай кўркам бинони қуриб берибди. Замонавий қилиб жиҳозлашибди. Энди бундай шароитдан сизлар унумли фойдаланинг. Сизлар эришаётган ҳар бир натижа бизнинг эътиборимизда бўлади. Сиз қанча билимдон бўлсангиз, жамиятимиз гўзаллашиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бораверади. Умид қиламанки, барчангиз шундай имкониятларни жамлаган даргоҳга муносиб бўлиб қоласизлар".

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида бунёд этилган қарийб 65 минг ўринли мактаблар ичида 50-мактабнинг ўзига хослигини таърифлар экан: «Ушбу мактаб ўқиш ва ўқитишда барча имкониятларга эга эканлиги билан бошқа таълим муассасаларидан кескин фарқ қилади. Бу ерда алоҳида мажлислар зали, спорт зали, ошхона, лингафон, компьютер синфлари, физика, кимё фанларини ўрганиш учун махсус қулайликлар мавжуд. Амалга ошираётган бундай ишларимиз бугунги замон талабларини бажараётганимиз, кадрлар тайёрлашда жаҳоннинг ривожланган қатламига интилишимиздан далолатдир. Зеро, бу каби эзгу интилишларимиз Истиқлолнинг бунёдкорлик руҳидан мадад олмоқда», деди вилоят ҳокими таълим муассасаси пойида сўзлаган нутқида.

Шундан сўнг меҳмонлар бинонинг ичида синфларнинг фанлар бўйича мутаносиб равишда жойлашиши, жиҳозланиши ва бошқа шарт-шароитлари билан яқиндан танишди.

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИ КОМПЬЮТЕР ХОНАСИ

Тараққиёт деганда бугун кўз олдимизга, энг аввало, компьютер келади. Компьютер техникаси ёрдамга келмаган соҳа ҳозир қолмади ҳисоб. Замонавий техника воситаларисиз бугунги таълим жараёнини ҳам тасаввур қилиш қийин. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлган келажакка дахлдор муҳим масаладир. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги ўрта умумтаълим мактабларининг 92 фоизи махсус компьютер хоналарига эга. Улар фарзандларимизнинг илғор замонавий техника билан "тиллашишни" пухта ўзлаштиришлари учун хизмат қилмоқда. Шундай хоналар сони яна биттага кўпайди.

24 апрель куни Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактаб ўқувчилари ҳаётида ўзлари таъкидлаганларидек, унутилмас кун бўлди. Мактабда 11 та замонавий IBM русумли компьютер билан жиҳозланган янги компьютер хонаси очилди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев иштирок этди. Вазир ўз сўзида мактаб жамоасини қутлар экан, болаларнинг келгуси ўқишларига ривож тилади. Мактабга замонавий техника воситаларини тақдим этган "Ўзсилм" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси бош директори Маҳмут Бал ўз сўзида Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлардан хурсанд эканлигини изҳор этиб, бу жараёнга ўзларининг камтарин ҳиссасини қўшганларидан мамнун эканлигини айтди. Бу "Ўзсилм" корхонасининг юртимиздаги иккинчи мактабга кўрсатган ёрдами бўлиб, икки мактабга ажратилган компьютер жиҳозлари 10 миллион сўмликни ташкил этади.

Маросимда иштирок этган Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Файзуллаев, 99-мактаб директори Маъмура Исоқова, шунингдек, ушбу мактаб ўқувчилари Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Ўзсилм" қўшма корхонаси раҳбарларига кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик изҳор этишди. Болалар бу ғамхўрликка ўзларининг аъло ўқишлари, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишлари билан жавоб беражакларини айтишди.

Ҳ.НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Davra suhbati

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР:

МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Таълим олаётган ўқувчининг энг содиқ дўсти, энг зарур ҳамроҳи биринчи навбатда китобдир. Сабоқ олаётган, эртанги кунга умид билан қараётган ўқувчи дарслигига қўшимча тарзда турли илмий-оммабоп, бадиий адабиётлардан фойдаланиб, дунёқарашини кенгайтириб, фикрлаш қобилиятини ўстириб боради.

Хўш, бугунги кунда мамлакатимиз умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг китоб мутолаа қилиши қандай аҳволда? Мактаб кутубхоналарининг бадиий адабиётлар билан таъминланиш аҳволи-чи? Мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш борасида таълим муассасалари жамоалари, ижодкорлар, ўқитувчилар яна нималарга эътибор беришлари зарур?

Шу кунларда кўча-кўйда, суҳбатларда "Мактаб кутубхоналаридаги бор китобларни олиб чиқиб ташлаб юбораётган эканлар, фалон мактаб директори бадиий адабиётларни макулатурага топшириб юборибди, кутубхоналарда болалар ўқийдиган бадиий китоблар қолмабди", деган гаплар қулоққа чалиниб қолмоқда. Биз шу сўзларнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида пойтахтимиздаги бир неча мактаблар кутубхоналаридаги аҳвол билан танишдик.

Миробод туманидаги 214-мактаб кутубхоначиси Насибахон Ғаниева бизга Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси томонидан юборилган 1996 йил 20 декабрда "Маънавий эскирган адабиётларни рўйхатдан чиқариш тўғрисида"ги буйруқни кўрсатди ва шу буйруққа асосан мактаб кутубхонаси фондидан чиқарилган адабиётлар рўйхати билан таништирди. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг ўз миллий истиқлол ғояси, мафкураси бор. Биз эски тузум асоратларидан қутулишимиз, фарзандларимизни миллий ғояларимизга, миллий мафкурамизга содиқ кишилар қилиб тарбиялашимиз керак.

Бироқ, афсуски, баъзи мактабларда бўлганимизда кутубхонада жуда кам миқдорда китоблар қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Нега адабиётлар йўқ ҳисобида, деб сўраган саволимизга, кутубхоначи опалар ва мактаб раҳбарлари "Биз, тўғриси, нима қилишни билмай қолдик.

(Давоми 2-бетда)

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Маълумки, шу кунларда республикамизнинг барча билим масканлари ўқитувчилари орасидан энг билимлиларини аниқлаш борасида ўтказилаётган "Йил ўқитувчиси—2001" кўрик-танлови баҳслари ҳаяжонли паллага кирди, десак янглишмаймиз. Чунки бугун ўқитувчилар республика миқёсидаги баҳсларга иштирок этиш мақсадида вилоят ва шаҳар босқичларида ўз билим ва маҳоратларини яна бир бор чиғириқдан ўтказишмоқда.

Куни кеча ана шу кўрик-танловнинг Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган босқичи ўз якунини топиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган энг истеъдодли ўқитувчи аниқланди.

Кўрик-танловда пойтахтимизнинг 11 туманидан қатнашган 11 ўқитувчи ушбу йўлланма учун икки босқичдаги баҳсларда иштирок этишди. 1-босқич якунида эса саралланган 5 ўқитувчигина, яъни Ҳамза туманининг 69-мактаб математика фани ўқитувчиси И.Соипова, Юнусобод туманининг 274-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси М.Валиева, Шайҳонтоҳур туманининг 39-мактаб меҳнат таълими фани ўқитувчиси Д.Зупарова, Собир Раҳимов туманидан 22-мактаб математика фани ўқитувчиси Ш.Мақсудова ҳамда Сирғали туманининг 284-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Л.Раҳматовалар мусобақаларни давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

Баҳслар якунида ҳакамлар ҳайъатининг иштирокчиларга қўйган баллари ҳисобига кўра, Тошкент шаҳар "Йил ўқитувчиси" ғолиблиги Ҳамза туманининг 69-мактаб математика фани ўқитувчиси Ирода Соиповага насиб этди. Энди у республика босқичида иштирок этади.

Б.ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

Tilga hurmat-elga hurmat

МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Ўзбек тили" доимий анжумани

Фасллар келинчаги баҳор Фарғона водийсига ўзининг зумрад рангли сепини ёйди. Боғларда, кўчаларда, хиёбонларда, кенг далаларда мевали дарахтлар гулини тўкиб, шода-шода ҳосил тугишга киришди. Ҳар икки йилда бир марта, юртимиз ана шундай гўзаликка бурканган паллада ўзбек тилининг чин маънодаги жонкуярлари анжуман ўтказишга тўпланадилар. Бу она тилимизга айрича эътибор билан қаралаётгани, фидойилик, маънавиятимизни янада юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг рамзий белгисидир.

"Ўзбек тили" доимий анжумани бу гал Марказий Осиёнинг гавҳари, гўзал Фарғонада ташкил этилди. Йиғилишнинг ялпи мажлислари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусиқали драма ва комедия театрида олиб борилди. Бунда дастлаб фар-ғоналик муаллимларнинг ўзбек тили машғулотларига оид иш намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Театр биноси ижодий тафаккур маҳсуллари, меҳр қўри йўғрилиб тайёрланган қўл меҳнати намуналари, янгиликлар, ихтироларга лиқ тўлди. Тошлоқ туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Улуғбек Халилов чиқит материалларидан ясаган, бўйи одамникидек келадиган "Темиржон-I" ва "Темиржон-2" айниқса, меҳмонлар эътиборини тортди. Роботлар 12 волт токка ишлайди. Бу темир қурилманинг афзаллик томони—у гапиради, қўшиқ айтади ва машғулот ўтайди.

Фурқат туманидан келган муаллимлар жажжи чархпалак ясашибди. Қурилманинг ҳар бир чўмичли ёғочидаги конвертга ўқувчиларнинг дафтарлари ва саволлар жойланган. Чархпалак айлантирилади. Қайси ёғоч тегишли жойга келиб тўхтаса, ундаги дафтар эгалари саволга жавоб топишади ёки топшириқ бажаришади.

Ўзбекистон туманидан ташриф буюрган ўқитувчилар машҳур адиб Ч.Айтматовнинг "Оқ кема" асаридаги шоҳига бешик осилган Она буғуни тайёрлашибди. Буғу ҳам, думларини ёйиб ҳиром этаётган рамзий товуслар ҳам "тил"га киради. Хуллас, кўргазмали материалларга аллақачон техник имкониятлар чоғиштирилгани эътиборга лойиқдир. Жадвал тузилган таблолаштирилган қурилмалар, йиғма ва тарқатма материаллар муаллимларнинг доимий ижодий изланишда эканлигидан далолатдир.

(Давоми 3-бетда)

КИТОБСЕВАРЛАР ЙИҒИЛГАН КУН

Anjuman

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Китобсеварлар анжумани"да ёш китобсевар ўқувчилар билан учрашганимда, улардаги китобга бўлган муҳаббатни кўрганимда ич-ичимдан бир шукроналик ҳис этаман. Бадиий адабиётни қадрлайдиган, дунёга ҳайрат назари билан боқадиган болалар республикамизда минглаб топилади, уларнинг келажаги ҳам орзулари каби порлоқ.

Бу йил ҳам апрелнинг сўлим кунларида барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрининг китобсевар ўқувчилари республика Давлат болалар кутубхонасига йиғилишди.

Кутубхонада эса ҳақиқий байрам бошланди. Анжуманни Республика Халқ таълими Вазирлигининг "Маънавият ва қўшимча таълим" бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозилов очар экан, ўқувчиларни ушбу байрам билан табриклади.

Ушбу тадбир Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётганлиги боис, биз ушбу вазирликнинг Маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғулом Нарзуллаев билан мулоқотда бўлдик.

— Ғулом ака, бу анжуман, мана, 3 йилдирки анъанавий тарзда ўтказилмоқда. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ва муддао нималардан иборат? Маданият ишлари вазирлиги халқ таълими ходимларига бу танловни ўтказишда қандай ёрдам бермоқда?

— Ушбу анжуманни ўтказишнинг асосий мақсади болаларни китобхонликка, китоб ўқишга ундаш, уларда китоб ўқиш маданият ва кўникмасини шакллантиришдир. Биз олиб борган суриштирувларимиз натижасидан шу нарса маълум бўлдики, республика миқёсида болалар китобхонлиги анча илгарилаб кетган. Катталар болаларга нисбатан жуда кам китоб мутолаа қилишмоқда. Кутубхона болаларимизни ўз устида ишлашга ундайди.

Менинг фикримча, болалар кутубхонаси негизида компьютер ўйинлари, турли тўгараклар ишини йўлга қўйиш керак. Дейлик, бола компьютерда қандайдир сайёраларга саёҳат қилмоқда, ёки сув остидаги қандайдир тошни қидирмоқда. Шу ўйинлардан сўнг бола ўша сайёра ёки тош ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истайди ва бу маълумотни у китобдан олиш мумкинлигини сезади.

(Давоми 4-бетда)

ТЎҒРИ ЖАВОБ УЧУН ЎҚИШ КЕРАК







Давлат тест маркази "Ахборотнома"сининг ҳар сонини кузатиб бораман. Чунки абитуриентга бундай ахборотномалар муҳим қўлланмадир. Ҳадемай олий ўқув юртларига қабул жараёнлари бошланиб кетади.

Чоп этилаётган "Ахборотнома"ларнинг навбатдаги 5-6-7-сонлари босмадан чиқди. Унда одатдагидек, барча фанлардан саволлар чоп этилган. Абитуриент сифатида ростини айтай. Ҳар бир саволга тўғри жавоб топиш учун дарслик китоблардан ташқари қўшимча адабиётларни ҳам яхшилаб ўқиб чиқиш керак бўляпти. Чунки саволлар мураккаб тузилган бўлиб, синчковликни ва пухта билимни талаб қилади.

Мен ҳам ана шу саволларга жавоб қидириб топар эканман, олган билимларимнинг хотирамда янада мустаҳкамланиб қолаётганлигини ҳис этаяпман. Айримлар жавобларни ёдлашаяпти, фикримча, улар ўқишга киришган тақдирда ҳам кейин қийналишади.

Мен ўзим сингари барча абитуриентларнинг янги ахборотномаларни топиб, муаммал ўрганиб чиқишларини ва ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларининг талабалари бўлишлари тилаб қоламан.

Н.РАҲМАТОВА

•Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Москвада Леонид Левитиннинг "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Апрель ойининг сўнгги ҳафтаси Фарғона вилоятида "Уста-шогирд" ҳафтаси деб эълон қилинди.

• Конимехда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари иштирокида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

• Черногорияда ўтказилган Парламент сайловида Президент Мило Жуконович бошчилигидаги Черногория мустақиллиги учун ҳаракат қилаётган партия ғолиб чиқди.

• Microsoft компанияси етакчиси Билл Гейтсни 65,4 миллиард долларлик бойликка эга бўлган Робсен Уолтен миллиардерлар шоҳсупасида иккинчи ўринга тушириб қўйди.

• Истамбул шаҳридаги Swissotel меҳмонхонасида чечен террорчилари томонидан гаровда ушлаб турилганларнинг кўпчилиги озод этилди.

• Россиянинг Кемерово вилояти губернаторлиги учун ўтказилган сайловда Омон Тулеев яна ғалаба қозонди.

• Америка қитъасидаги 34 давлат раҳбарларининг Канададаги олий даражадаги учрашуви ниҳоясига етди.

Модомики, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун, уларнинг билимини ошириш учун ҳаракат қилаётган эканмиз, "Мактаб кутубхонаси" деган рукнни аллақачон тиклаб, янги алифбодаги бадиий адабиётларни нашр этишни йўлга қўйиш керак.

"Мактаблар куни"да аниқланган камчилик ва нуқсонлар туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари раҳбарлари мутахассислари ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Ma'rifat

ФАРАҲБАХШ КУН

Наманганда энг замонавий таълим муассасаси очилди

(Давоми.Боши 1-бетда)

Таълим муассасасининг спорт зали, ошхонаси каби қўшимча бинолари нинг жойлашишидаги ўзига хосликларни илғаб, ушбу бино қурилиши билан боғлиқ саволлар билан вилоят капитал қурилиши бошқармаси трест бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Жалолхон Мамажоновга мурожаат қилдик. Шу вақтгача ўндан зиёд таълим муассасасини қуриб, фойдаланишга топширган қурувчи раҳбар қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бу бинонинг қурилиши 1997 йилдан буён тўхтаб қолган эди. Объект 2000 йил ноябрь ойида бизга қуриб битказиш учун вилоят ҳокимлиги томонидан топширилди. Уни 2001 йил август ойида, янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди. Қурилиш ишларининг бориши билан вилоятнинг барча раҳбарлари бевосита қизиқиб, маблағ билан таъминлаб туриши кучимизга-куч қўшди. Қисқа муддатда сиз кўриб турган ҳолатга келтирилган бинонинг қурилиш қисмига 325 млн.сўм, жиҳозлаш учун 50 млн. сўм маблағ сарфланди. Унинг ташқи кўринишидаги замонавий дизайн қурилиш ишлари давомида шаклланди. Бино тархига айрим ўзгартиришлар киритиш ҳисобига унинг кўркамлигини таъминладик. Бу дарслар, овқатланиш ва спорт билан шуғулланиш жараёнларини бир-бирига халал бермайдиган бўлишини кафолатлайди.

Қисқа муддатда кўриб турганингиздек ҳашаматли бинога эга бўлдик. Асосийси, замонавий ёшлар тарбиялаш, уларга энг сўнгги технологиялар ёрдамида таълим бериш имкониятига эга бўлдик. Таъкидлаш жоизки, янги мактабнинг очилиш кунигача нафақат вилоят хокимлиги, шаҳар раҳбарияти, балки барча мактаблар, маҳалла фаоллари, ҳомийлар ҳам моддий жиҳатдан ёрдамларини аямади.

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевнинг қиймати 15 миллион сўмлик бўлган энг сўнгги авлод компьютерларидан иборат махсус синфни шу мактабга совға қилгани бизни янада руҳлантириб юборди. Маҳалламиз оқсоқоли Шамсиддин ака Муҳиддинов эса, барчанинг эътиборини таълим-тарбияга жалб эта оладиган инсон. Ўйлайманки, шу даргоҳдан бугун қандай улкан ишлар кутилаётган бўлса, биз ишонни оқлаймиз. Бунинг учун етарли шароит бор, — дейди мактаб директори Ойшахон Абдуллаева қувончларини яшира олмай.

Юқорида таъкидланганидек, Наманган тумани марказида ташкил этилган "Соғлом авлод маркази"нинг очилиш маросими ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Унда сўзга чиққан халқ таълими вазири бу масканда 200 нафар ўқувчи ҳар 2-3 ой муддатда бирор ҳунар ёки касб ҳақида тўла тасаввур хосил қилиб кетиши мумкинлигидан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлади. Чунки, бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи мана шундай марказларга келиб ҳам бўш вақтини мазмунли ўтказади, ҳам мактабдан кейинги ҳаётини ташкил этиш борасида ўз режаларини яратади. Бундан ташқари, турли спорт тўгаракларида қатнашиб жисмоний имкониятларини ҳам рўёбга чиқаради. Келажагини кўра олган ёшлар жамиятда ўз ўрнини топиши, ўзига ва атрофдаги инсонларга наф келтиради, бу билан Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунгача Наманган вилояти туман марказларида юқори синф ўқувчилари учун ташкил этилган Соғлом авлод марказлари 7 тага етди. Бу марказлар ҳар бир мактаб ўқувчилари ҳаётини қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу ўринда Наманган шаҳрида очилган 50-мактабга келиб, кўзларида қувонч ёшлари билан ўтирган 80 ёшлардаги Муҳаммаджон ота Абдуллаевнинг "мухбир болам, бугун яхши бўлаяпмиз, бу кунларни қадрлашимиз керак", дея сўзлаб берган ҳикоясидан бир шингил сизга ҳам илиндим:

"1935 йилларда бизнинг шу маҳалламиз этагида Ҳожимирза бой деган одам бўларди. Биз шу кишининг ҳовлисида ўқиганмиз. Икки синф, баъзан тўрт синф ўқирдик-да, мактабни тарк этардик. Бу ёғига рўзғорнинг ташвишлари билан яшардик... Эндиликда мана бундай ҳашаматли мактабларда ўқийдиган невараларимизнинг бахтини кўриб қувонасан киши".

Тилагимиз шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ўзидан кейинги авлоднинг ҳаётидан қувониб яшасин.

Ф.КАРИМОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: Наманган вилоятида фойдаланишга топширилган таълим муассасаларининг очилиш маросимидан.

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР:

МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

(Давоми.Боши 1-бетда)

Қайси китобларни болаларга ўқиш учун тавсия қилишга, беришга ҳайронмиз. Чунки бундан 10-15 йил аввал нашр этилган барча китобларнинг титулида ёки охирги варағида ёзилган нашриёт номида ҳам "ССР" ёзуви учрайди. Худди шу нарса бизни ўйлантириб қўймоқда. Шунинг учун барча китобларни бир хонага беркитиб қўйганмиз. Уларни кутубхона ҳисобидан чиқариб ташлаганимиз ҳам йўқ. Тўғри, собиқ совет мафкурасини тарғиб этадиган барча адабиётлардан воз кечдик, лекин бадиий адабиётларни ташлаб юборишга кўзимиз қиймаяпти. Биз нима қилайлик, дея саволимизга савол билан жавоб қайтаришди.

Қандай адабиётлар кутубхоналарда қолиши керак, қанақа адабиётлар бугунги кун талабига жавоб бермайди, қайси китоблар бугунги кун учун яроқсиз ҳисобланади? Шу саволларга жавоб топиш, таълим ходимларига бу масалада ёрдам бериш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида кутубхона мутасаддилари, нашриёт вакиллари билан биргаликда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов очди ва олиб борди.

Рустам АҲЛИДИНОВ: — Кейинги йилларда бадиий адабиётларнинг савияси, фарзандларимизнинг китобга бўлган муносабати, ўқишлари, таълим муассасалари кутубхоналаридаги аҳвол, очиғини айтишимиз керак, бизларни ташвишга солмоқда. Сир эмаски, мактаб кутубхоналарининг инвентаризацияси натижасида маънавий эскирган, мафкурамизга зид бўлган адабиётлар мактаб кутубхоналари фондидан чиқариб ташланди. Лекин айрим ҳудудларда керакли бўлган китоблар ҳам чиқариб ташланаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Кутубхоналарни бойитиш, мавжуд адабиётлардан фойдаланишни тартибга келтиришимиз керак. Бу ерга йиғилишимизнинг асосий сабаби эса, мактаб раҳбарлари ва кутубхоначиларга қандайдир йўлланма ва тавсиялар беришни келишиб олиш. Биринчидан, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари асосида 2001-2002 ўқув йилида фойдаланиш учун тавсия қилинган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхатини биз "Маърифат" газетаси саҳифаларида эълон қилганмиз. Лекин қўшимча адабиётлар, бадиий адабиётларнинг қайсинисини, нечанчи синфларга тавсия қилсак маъқул бўларкин? Умуман, мана шу йўналишда фаолиятимиз нимадан иборат бўлиши керак? Бу борада бевосита нашриётларда, маданият масканларида ишлаётган мутахассисларимизнинг фикри қандай? Жамоатчилик эътиборига нималарни ҳавола этиш лозим? Мутахассисларнинг фикрлари асосида, улар ишлаб чиққан тавсиялар бўйича жойларда ишни тўғри ташкил қилсак.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ: ("Ўқитувчи" нашриёти муҳаррири) — Бугунги кунда барча кутубхоналарнинг аҳволи мақтанадиган даражада эмас. Биз буни хизмат сафари билан вилоятларга чиққанимизда кузатдик. Ўқувчиларнинг баъзи дарсликлар билан таъминланиши қониқарли аҳволда эмаслиги билан бирга, уларда бадиий адабиётлар ҳам етишмаслиги барчани ўйлантирадиган масалалардан бири. Буларнинг барчаси китоб савдоси билан боғлиқ.

Яқинда Сурхондарё вилоятидан бир киши келиб, собиқ совет даврида нашр этилган китобларни қандай ғояда бўлса ҳам чиқариб ташлаш ҳақида кўрсатма олганлигини айтиб қолди. Энди, ўйлаб кўрайлик. Тоталитар тузумга хизмат қиладиган китоблар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетаверади, аммо 70 йил давомида Алишер Навоий асарларидан тортиб атоқли адибларимизнинг ҳам мукаммал асарлари чоп этилган-ку. Яна бир нохуш гап. Баъзи туман ҳокимликларидаги турли муассасаларга телефон қилиб, мустақилликдан аввал нашр этилган китобларни йўқотиш ҳақида кўрсатма беришаётган эмиш. Биз бу масалага дифференциал ёндашишимиз лозим.

Аввалари "Мактаб кутубхонаси" рукнида энг сара бадиий адабиётлар нашр қилинар эди. Негадир, бу анъана ҳам тўхтаб қолди. Модомики, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун, уларнинг билимини ошириш учун ҳаракат қилаётган эканмиз, "Мактаб кутубхонаси" деган рукнни аллақачон тиклаб, янги алифбодаги бадиий адабиётларни нашр этишни йўлга қўйиш керак.

Маҳкам МАҲМУДОВ ("Гулистон" журнали бош муҳаррир ўринбосари): — Аввал чоп этилган Х.Андерсен, А.Дюма, В.Шекспир, А.Пушкин каби номдор ижодкорларнинг, жаҳон адабиётининг нодир дурдоналарини кераксиз қоғозга чиқариб ташлашнинг олдини олишимиз керак. Мактаб кутубхоналари ва республикамизда фаолият юритаётган бошқа кутубхоналардан бундай китобларни чиқариб ташламаслик лозим.

Тоҳир ҚАҲҲОР (шоир): — Биз халқимиз учун фойдали бўлган адабиётларни саралаб, тез фурсатда уларни янги имлога ўгиришимиз керак. Тўғри, 70 йил давомида ўзбек тилида бой китоб заҳиралари тўпланди. Бу китобларнинг дунё юзини кўришида жуда кўплаб олимларимиз, тилшуносларимиз, зиёлиларимиз, таржимонларимиз машаққат чекишди. Биз дунё маданияти, адабиёти билан бевосита китоблар орқали танишдик. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди.

Ҳалим САИДОВ ("Маърифат" газетаси бош муҳаррири): — Ҳозир бизни ўйлантираётган муаммо мавжуд адабиётлардан қандай фойдаланиш, ўқувчига ўша адабиётларни тавсия қила олиш йўлини кутубхоначи ва ўқитувчига тушунтиришдан иборат. Илгари тўла турадиган кутубхоналарда бугун китоб кам. Айрим мактабларда мустақилликкача нашр этилган барча адабиётлар бир хонага олиб кириб қўйилган. У китоблар на ўқувчига кўмак бераяпти, на кутубхона фондидан чиқариб ташланмоқда. Китоблар шукрки, сотиб юборилгани ёки макулатурага топширилгани йўқ. Мисол учун биз кузатган мактаб кутубхоналарининг алоҳида хонасида Эркин Аъзамнинг "Байрамдан бошқа кунлар", В.Шекспирнинг "Қирол Лир", "Гамлет" каби асарлари чанг босиб ётибди. Уларда соф инсоний туйғулар тилга олинганлигини, мафкуравий бузуқлик йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Таклифим, Халқ таълими ва Маданият ишлари вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси кутубхоналар, нашриётлар вакиллари биргаликда шундай тавсия ишлаб чиқиши керакки, республикамизнинг барча мактабларидаги кутубхоначилар ўша бой маънавий бойлигимизни сақлаб қолишсин. Сиз, Тоҳир ака, барча китобларни лотин ёзувида нашр этиш масаласини кўтаряпсиз. Лекин бугунги иқтисодий қийин шароитда минглаб номдаги адабиётларни бир вақтда, тез фурсатда чоп этиб бўлмайди-ку. Қолаверса, ўқувчиларимиз билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш учун дунё тан олган ёзувчи ва шоирларнинг мавжуд асарларини, кирилл ёзувида ҳам ўқиб боришсин. Бунинг учун эса бугунги ўқув дастурларимиз орқали ўқувчи кирилл алифбосини бемалол ўзлаштириб олади. Бу мавзу бир неча бор таъкид билан айтилди.

Донохон ҒАНИЕВА (Республика илмий-педагогик кутубхонаси раҳбари): — Бугунги давра суҳбатида жуда ҳам долзарб бўлган масала кўтарилган. Бунинг учун вазирликка биз ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз. Лекин кутубхоначилик иши жуда ҳам масъулиятли вазифа. Чунки, китоблар кутубхона фондидан чиқариб ташлангунча жуда кўп ёзувчизув ишларини қилиш керак. Яъни китоблар ҳам маълум маблағ ҳисобига келганлиги боис, унинг ҳужжат ишлари ҳам маълум бир буйруққа асосан амалга оширилиши лозим. Инвентаризация қилинадиган китобларнинг ҳар бири учун кутубхоначи жавоб беради. Шунинг учун қўлларида асосли ҳужжат бўлмаса, кутубхоначилар бирорта китобни ҳам фонддан чиқариб ташлашга ҳақли эмаслар.

Яна бир гап. Бизнинг давримизда мактабни битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган йигит-қизлар ўзлари ўқиган мактаб кутубхонасига эсдалик сифатида китоб совға қилишарди. Мана шу йўл билан ҳам бугунги кунда мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан бойитиш мумкин деб ўйлайман. Чунки ҳар бир битирувчи устозларига миннатдорлик туйғуси, мактабига бўлган муҳаббати туфайли бир ёки икки-уч дона бадиий адабиёт совға қила олади. Биз кутубхонамизда бир иш бошладик. Дейлик, китобхонга Авесто ҳақидаги маълумотлар керак. Яхши биламизки, Авестони ўрганишга қизиқиш кучайгани баробарида у ҳақда тўлиқ, мукаммал китоб нашр этилмаган. Биз газета ва журналларда нашр этилган Авесто ҳақидаги барча маълумотларни йиғиб, қўлланма сифатида кутубхонамизга қўйиб қўйдик. Китобхон биз йиққан маълумотлардан фойдаланиб, Авесто ҳақида билимга эга бўлмоқда. Худди шу каби бошқа мавзулар ҳақида ҳам шундай маълумотлар тайёрладик.

Рустам АҲЛИДИНОВ: — Мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан бойитиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини кўнгилли ташкил қилишда кутубларнинг ўзига хос ўрнига эга бўлишига эришиш мақсадида, Осиё Ривожланиш банки томонидан берилган кредитлар ҳисобидан янги алифбодаги, 20 номдаги ўзбек халқ ижоди, жаҳон классик ижодкорларининг шоҳ асарларини янги имлода нашр этиш режалаштирилди. Таълим соҳасига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилаётганлигини, биринчи синф ўқувчиларини таъминлаш учун бюджет ҳисобидан ажратилган 1 миллиард 600 миллион сўмлик маблағдан ҳам билса бўлади. Янги ўқув йилигача 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги, янги имлода чоп этилган адабиётлар кутубхоналарга етказиб берилади. Яна маълум миқдорда 1-ва 8-синф дарсликлари билан ҳам кутубхона фондини бойитмоқчимиз. Бугунги кунда Осиё Ривожланиш Банки берган кредитлар ҳисобидан ўқув қўлланмалари, кўргазмали адабиётлар ҳам ишлаб чиқилиб, мактабларга босқичма-босқич тарқатилади. Янги ўқув йилидан бошлаб эса, тажриба тариқасида ҳар бир вилоятнинг битта туманида дарсликларни ўқувчига ижарага беришни йўлга қўймоқчимиз. Яъни, ота-она ўқув йили бошида барча дарсликлар нархининг 25 фоизини тўлаб, фарзанди учун ижарага олади. Бир йил давомида дарсликлардан фойдаланганидан сўнг,уларни кутубхонага қайтиб топширади.

Моҳира СОЛИҲОВА (РТМ директор ўринбосари): — Мен Жиззахга бориб бир кутубхоначи опа билан танишдим. Унинг кутубхонаси китоблар билан тўлалигини кўриб ҳайрон қолдим. Бунинг сабабини сўраганимда, опа маълум бир тизим асосида ишлаётгани, кутубхона фондини бойитишда мактаб маъмурияти, ҳомийлар, чет эллик сармоядорлар ва энг асосийси, ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этишаётганлигини ғурур билан сўзлаб берди.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда нафақат қайси адабиётлар кутубхоналарда қолиши ёки чиқиб кетиши, балки кутубхоналарни жаҳон талабларига мос тарзда замонавий қилиб жиҳозлаш, керакли адабиётлар бўлмаган тақдирда маълум мавзулар бўйича газета-журналларда чоп этилган мақолаларни тўплам ҳолига келтириб, ўқувчига ёрдам бериш каби мулоҳазалар ҳам айтилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда кутубхоналарда мавжуд бўлган бадиий ва илмий адабиётларнинг қайси бири яроқли ёки аксинча эканлигини кўриб чиқиб, бир хулосага келадиган бўлишди. Ана шу натижаларга кўра, китобларни қай тарзда макулатурага топшириш ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар ҳам тавсия этилади.

Ҳозирча барчанинг фикри бир жойдан чиқди. Кутубхоналардаги давлат таълим стандартлари, тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган мавжуд бадиий адабиётлар (собиқ советларнинг сохта сиёсатини тарғиб ташвиқ этадиган айрим асарлар бундан мустасно) махсус хонадан кутубхона жавонларига чиқарилмоғи даркор.

Давра суҳбатини Шарифа МАДРАҲИМОВА ёзиб олди.

ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Андижон вилоят халқ таълими бошқармасида 2001 йил бошидан яна бир муҳим ишга қўл урилди. Бошқарма мутахассислари белгиланган жадвал асосида бир кундан туманларга чиқиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишмоқдалар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ечишда ҳамкасбларига кўмаклашмоқдалар.

"Мактаблар куни"да ВХТБ мутахассислари таълим муассасаси жойлашган фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари ҳамда ота-оналар, ҳомий ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқич якунларини муҳокама этиш билан дастурнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳам белгилаб олмоқдалар.

"Мактаблар куни"да аниқланган камчилик ва нуқсонлар туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, мутахассислари ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозиргача вилоятнинг Асака, Шаҳрихон, Қорасув ва Хонобод шаҳарларида, Андижон, Асака, Булоқбоши, Бўз, Избоскан, Олтинкўл, Жалолқудуқ ва Кўрғонтепа туманларида "Мактаблар куни" ўтказилди. Бу тадбир яна давом эттирилади.

О.СИДДИҚОВ

СЕНИ ШАРАФЛАЙМАН ВАТАНИМ

Яқинда Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 36-мактабда Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиларининг навбатдаги шўъба йиғилиши бўлиб ўтди.

Мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Санобар Усмонова семинарни "Сени шарафлайман Ватаним" деган мавзудаги ноанъанавий дарс билан бошлаб берди.

Дарс семинар қатнашчиларига ва ўқувчилар қалбига Ватанни севиш, миллий қадриятларни авайлаб-асраш, уларнинг қадрига етиш каби тушунчаларни сингдира олди. Семинар сўнгида қатнашчилар Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанини ўқувчилар тушунтиришда янада самарали усулларини излаб топиш, уларни таълим жараёнида қўллашни ҳам келишиб олдилар.

Эшпўлат ЭГАМҚУЛОВ, Боёвут ТХТБ услубчиси

ТАНЛОВ

Тошкент Маданият ишлари бош бошқармаси томонидан шаҳар кутубхоналари ўртасида ўтказилаётган "Фарзандлар онанинг умрига гултож" кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичи якунланди.

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад кутубхоналарга болаларни жалб қилиш, маънавий ва мафкуравий тушунчаларни бойитиб бориш, бой адабий меросимизга бўлган меҳр ва ҳурматни шакллантиришдир.

Танловда ғолиблар 5 босқичда аниқланди. Мусобақанинг ҳар бир босқичида яхши кўрсаткичга эришган "Санам" гуруҳи ғолиб топилиб, шаҳар босқичига борадиган бўлди.

Шерзод АҲМАТОВ

УЧРАШУВ

Бугунги кунда вояга етмаган ёшлар орасида билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш натижасида жиноят содир этиш ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш борасида жойларда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 228-мактабда туман ҳокимияти, прокуратура, ТХТБ, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида "Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тарбияси оғир ўқувчилар билан олиб борилаётган тадбирлар" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда туман прокуратураси ходими Жаҳонгир Усмонов "Ўсмирлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчилик", наркология диспансери нарколог-шифокори Л.И.Зайцева "Наркотик моддаларнинг ўсмир-ёшлар организмига таъсири" ҳақида маъруза қилдилар.

Семинарда "Шодлик" маҳалласи фаоллари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларига мутахассислар атрофлича жавоб бердилар.

Д.ХЎЖАЕВА

ШОФИРКОН КАШТАЧИЛИК МАКТАБИ

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 18-касб-ҳунар мактабида ҳозирги пайтда қишлоқ ёшларига миллий ҳунармандчиликнинг каштачилик, зардўзлик, бўз тикувчилик, ранг тасвир, косибчилик гуруҳлари очилиб, қадим-қадим замонлардан бери асраб-авайлаб келинган халқ ҳунармандчилиги сирлари ўргатилмоқда. Афсуслар бўлсинки, 70 йиллик тоталитар тузум даврида, халқимизнинг энг ноёб, энг қадрли, умрбоқий ҳунармандчилиги бўлган каштадўзлик, бўзтўқувчилик ва бошқа ҳунарлар деярли йўқотилган эди. Бугунги кунда "Зуҳро" фирмаси ташаббуси билан миллий ҳунармандчиликнинг ушбу турлари қайта тикланди. Бу фирма Алишер Навоий жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган мазкур касб-ҳунар мактабини ўз ҳомийлигига олган. Ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини ўргатишда халқ усталари ва ҳунармандларнинг маҳоратларидан ўринли фойдаланилмоқда.

Мактабда касб-ҳунар эгаллаётган йигит ва қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари, дунё ҳунармандлари билан беллаша оладиган етук ҳунармандлар бўлиб шаклланишлари учун барча шарт-шароитлар, хом-ашёлар ва асбоб-ускуналар муҳайё этилган.

Зуҳро ОБЛОБЕРДИЕВА

ФАКУЛЬТЕТДА ЯНГИ РАДИОСТУДИЯ

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида "Ҳаваскор" радиостудияси иш бошлади. Радиостудиянинг ташкил этилиши ва уни зарур техник ускуналар билан жиҳозлашда Марказий Осиёга бегараз ёрдам (CAFE) ташкилоти яқиндан кўмак берди.

Янги радиостудия ўз олдига факультет талабаларининг радиожурналистика соҳасидаги билимларини бойитиш, уларга ҳақиқий амалий муҳитни яратиш ҳамда ёш радиожурналистларнинг ижодкорлик қобилиятларини ошириш мақсадларини қўйган. Ўқитувчи Дилнора Азимова бошчилик қилаётган мазкур радиостудияда айни пайтда икки гуруҳга бирлашган 14 та талаба фаолият кўрсатмоқда.

— Ишонаманки, радиостудия умидларимизни оқлайди, — дейди студия бошлиги Дилнора Азимова. — Чунки бу ерда радиожурналистикага қизиқувчи талабаларни ўзига жалб қилувчи ва уларни рағбатлантирувчи барча шароитлар муҳайё.

Биз ҳам "Ҳаваскор"нинг профессионал даражага эришишида омадлар тилаб қиламиз.

Дилафрўз ЎКТАМ қизи, факультет талабаси

ВАТАН МАДҲИ

Авиасозлар маданият саройида "Ўзбекистон—Ватаним маним" қўшиқлар кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Байрам Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан бошланди. Кўрик-танловда Ҳамза туманидаги 30 та мактабнинг ҳар биридан саралланган истеъдодли ўқувчилар санъатга бўлган меҳр-муҳаббатларини намоён этдилар.

67-мактабнинг йигит-қизлари томонидан тайёрланган "Хоразмча рақс", 30-мактаб ўқувчиси Комила Хокированинг "Андижон полкаси"да ижро этган рақси ва айниқса, 230-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулнора Хидиралиеванинг ширали овози, шу мактабнинг яккахони, "Муножот"ни маромига етказиб ўйнаган Дилдора Шерматова мухлислар ва ҳакамлар ҳайъати дилини хушнуд этдилар.

Танловда нафақат истеъдод, балки миллий қадриятларимиз, миллий либосларимизга катта эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳри туманларида саралаш босқичлари ниҳоясига етай деб қолди.

Дилафрўз ЗОИРОВА

АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили филологияси факультетида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Кечада Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ҳамда болалар шоири Турсунбой Адашбоев иштирок этдилар.

Университетнинг ёш ижодкор талабалари ўзлари ёзган машқларни ўқиб бердилар, қўшиқ ҳамда рақслар ижро этдилар. Тадбир давомида шоир Усмон Азим сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги адабиёт, ундаги ютуқ ва камчиликлар, ёшларнинг адабиётга бўлган қизиқишлари, бугунги кундаги маданиятимиз ва унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни тўғрисида тўхталди. Адабиётни янада юқори даражаларга кўтариш учун ёш ижодкорларимизнинг шижоат ва матонат билан меҳнат қилишлари лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Болалар шоири Турсунбой Адашбоев эса бундай ижодкор ёшларга тўгараклар очиб бериш, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиб, улардан кўпроқ маслаҳатлар олишлари кераклигини айтди.

Равшан ДЕҲҚОНОВ

МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Ўзбек тили" доимий анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда республикамизнинг турли вилоятларидан таширриф буюрган таниқли тилшунос олимлар, мутахассислар, она тили ўқитувчилари, раҳбар ходимлар қатнашдилар. Йиғилишни халқ таълими вазири Рисбой Жўраев олиб борди.

"Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари"га бағишланган доимий анжуман, мана, 11 йилдирки, самарали фаолият юритиб келяпти. Ўтган давр оралиғида она тили таълимини такомиллаштириш борасида каттагина ишлар амалга оширилди, дейиш мумкин. Анжуман шўъбаларида турли муҳокамалар асосида тайёрланган ихтисосий тамойилларга биноан, мактабгача таълим, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда махсус мактабларда олиб борилаётган она тили таълимининг шакл ва мазмуни ўзгарди. Машғулотларга янги, илғор педагогик технологиялар дадил олиб кирилди. Каттагина тажриба тўпланди ва мазмунан, моҳиятан мутлақо янгиланган дарсликлар, методик қўлланмалар тайёрланди. Бугунги кунда таълим тизимида ўқитилаётган фанлар орасида ўзбек тилидан сабоқ бериш нисбатан бойиди, жадаллашди ва бунда дурустгина самараларга эришилди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбек тили таълимини ривожлантиришни янги поғоналарга кўтаришда бу борада иш олиб бораётган, ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган доимий анжуманнинг ўрни беқиёсдир.

Миллатни миллат қилиб кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири, бу —она тили. Тил, шунингдек, нафақат инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси, нафақат фикрни ифода этиш манбаи, балки миллий тафаккур, миллий руҳнинг ўзаги ҳамдир. Шунингдек, улуғ кишилардан бири айтганидек, она тили маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Таълимнинг қуйи бўғинларидан бошлаб болаларда мустақил фикрлашни ривожлантиришда, уларнинг ижодий тафаккурини ўстиришда, кишиларнинг фикрий доирасини кенгайтиришда она тили катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ўзбек тили" доимий VI анжумани мавзуси ва шунга монанд йўналиши ҳам хиёл ўзгарди, янгича мазмун топди. Яъни, "Она тили-ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили" деб аталди.

Анжуман олдига кўп салоҳиятли вазифалар қўйилди. Она тили таълимини илғор ютуқлар билан бойитиш, кашфиётлар яратиш, бу борада самарадорликни ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилишини муҳокама этиш, болаларда мустақил фикрлаш кўникмалари, ижодий тафаккурни ўстиришга оид таклифлар киритиш, тил таълимида пайдо бўлаётган асосий муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларнинг ечимини ахтариш ана шулар жумласидандир.

Йиғилишда сўзга чиққанлардан Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Фотиҳ Азимов, "Ўзбек тили" анжуманининг раиси Низомиддин Маҳмудов, Республика таълим маркази директори Гуландон Алимова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Хўжаев, Ўзбекистон туманидан таширриф буюрган она тили муаллимаси Замира Маматхўжаева она тили таълимини мазмунан бойитишнинг янги томонлари, унинг олдида турган вазифалар, анжуманнинг аҳамияти ва ўтган даврлар мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида далиллар асосида атрофлича фикр юритдилар.

Анжуманни ўтказиш икки кунга мўлжалланди. Аммо унга тайёргарлик кўриш қарийб ўтган йил мобайнида давом этди. Ташкилий қўмитага тилшунослик ва ўзбек тили таълимига оид 500 дан ортиқ маърузалар келиб тушди, уларнинг кўплари мутахассислар таҳлили остида дастурга киритилди. Тўплам ҳолида чоп этилди. Ву анжуман амалий жиҳатдан ҳали яна узоқ давом этади, яъни шўъбалардан тушган тавсиялар чуқур ўрганиб чиқилади, уларда кўтарилган муаммоларнинг ечими устида ишланади. Илғор ўқитиш услублари, фанга оид янгиликлар, илғор тажрибалар қўлланма ҳолда босмадан чиқарилади ва кенг тарғиб қилинади.

Анжуман жараёнида ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиш, ўзбек тилининг кўзга кўринган, атоқли олимлари, мутахассислари билан мулоқот ўтказиш, Фарғона вилоятидаги таълим муассасаларида эришилган ютуқлар билан танишиш имконияти вужудга келди.

Мактабда она тили таълимига қўйилган муҳим талабларидан бири ўқувчиларни ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда равон баён қилиш фаолиятига тайёрлашдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён бу соҳага алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Энг аввало, она тилини ўқитишнинг дастурлари ишлаб чиқилди. Фарғона вилоятида ўтган йиллар мобайнида 4 та мактабда она тили таълими бўйича тажриба-синов майдончалари ташкил этилиб, 5—9-синфлар учун янги мазмундаги дастур ва дарсликлар яратиш бўйича синовлар ўтказилди ва кўзланган мақсадга эришилди. Ўқув муассасаларида Давлат тилини тарғиб қилувчи бурчаклар, алоҳида хоналар очилган. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг ўқитилишини назарда тутиб, қисқа муддатли курслар ташкил этилди.Вилоятдаги барча бошланғич таълим ҳамда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ана шу курсларда таҳсил олдилар. Қолган фан муаллимлари ҳам қайта тайёрловдан ўтказилмоқда.

Вилоятда 1997 йилдан бўён "Энг яхши она тили ўқитувчиси" кўрик-танлови муваффақиятли ўтказиб келинмоқда ва бу ўқитувчиларни кўпроқ ижодий изланишга ундаётир. Яна бир янгилик шундан иборатки, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари ўқув қўлланмаларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, "Кувноқ алифбо" тайёрлаб, мактабларга тарқатишди. Бунда амалий машғулотларни сифатли ўтказишга доир иш турлари берилган. Мана шу каби ютуқлар, янгиликлар барча вилоятларда ҳам бор ва уларни мазкур доимий тил анжуманининг самараси деб баҳолаш мумкин.

Шу билан бир қаторда, ўзбек тили таълимига оид ташкилий муаммолар ҳам бор. Жумладан, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш етарли бўлмаяпти. Ўқитувчилар учун зарур қўлланмалар жуда кам. Қирғиз, тожик, рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун буюртма асосида берилган дарсликлар тўлиқ бўлмаяпти. Оқибатда тожик ва қирғиз тилида ўқитиладиган мактабларда мавжуд дарсликлардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Бу каби муаммолар бошқа вилоятларга ҳам хослигини назарда тутмоқ лозим.

Йиғилишдан сўнг ўқитувчилар белгиланган еттита йўналиш бўйича шўъбаларга бўлиниб иш бошладилар.

"Мактабгача таълим" шўъбаси иштирокчиларининг йиғилиши бошқа гуруҳлар қатори таълим муассасаларида ташкил этилди. Бунда 11 та маъруза тингланди. Муҳокамалардан ўтказилиб тайёрланган тавсиялар асосида мактабгача таълим мутахассислари қисқа фурсатда кўргазмали материал тайёрлашга ҳам улгуришди.

"Бошланғич синфларда она тилини ўқитиш" шўъбасига кирган қашқадарёлик ва хоразмлик муаллимлар ўз маърузаларини китобча ҳолида чоп этиб олиб келишибди. Йиғилиш мунозаларга бой тарзда ўтди. Албатта, янги тажрибалар, таклифлар кўп бўлди, муаммолар ўртага ташланди. Улардан энг долзарби шуки, болалар адабиёти янги алифбода кам чиқарилган. Кутубхоналарни янги алифбодаги китоблар билан тўлдириш лозим. Шунингдек, миллий истиқлол ғояси ва Конституцияни ўқувчилар онгига сингдиришга қаратилган кўплаб услубий адабиёт ва кўргазмали қуроллар тайёрлаб, она тили ва ўқиш дарсларида ўқувчилар тафаккурини ривожлантирувчи турли таълимий ўйинлар, топишмоқлар, усуллар мажмуасини тузиш, анжуманда қайд этилган тажрибаларни қўллаш ҳам бажарилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради.

"Умумий таълим мактабларида она тили" шўъбаси йиғилиши Фарғона шаҳридаги I-мактабда олиб борилди. Бу шўъба яна учта кичик гуруҳга бўлинди. Унда жами 58 киши иштирок этди, шундан 37 нафари маъруза билан қатнашди. Сўзга чиққанлар кейинги йилларда она тили таълимида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикр юритдилар.

Бугунги кунда она тилидан дарс бераётган ўқитувчи эскича дарс бериш мумкин эмаслигини англаб етди. Агар узоқ йиллар ўқувчига билим олувчи, ўқитувчига эса билим берувчи сифатида қаралган бўлса, эндиликда ўқитувчига таълим жараёнининг ташкилотчиси, ўқувчига эса таълим жараёнининг фаол ишловчиси сифатида қараладиган бўлди. Шуни унутмаслик лозимки, она тили дарсида ҳар бир ўқувчи ақлий фаолият усуллари (кузатиш, қиёслаш, гуруҳлаш, ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш, умумлаштириш, ҳукм ва хулосалар чиқариш)ни бажармас экан, берилаётган билимлар ҳеч қачон унинг шахсий мулкига айланмайди.

Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш ўқувчиларга бериладиган топшириқлар характерига боғлиқ. Она тили дарсларида ўқитувчи шунга эришмоғи лозимки, ижодий топшириқлар марказий ўринни эгалласин. Бу аввало, изланувчанликка асосланган ўқитиш методларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ўқитувчи ўқувчи олдига "нима учун?" деган саволни қўя олмас экан, уринишларнинг самарадорлигига умид боғлаб бўлмайди.

Сўзга чиққан барча ўқитувчилар янги йўналишдаги она тили дарсликларини асосан маъқуллашди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, ҳар бир матн юзасидан хулоса чиқариш, ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган. Фақат 5-синф дарслигининг ўзида 50 дан зиёд матн бўлиб, улар ўқувчилардан ҳукм ва хулосалар чиқаришни талаб қилади. Масалан, 101-машқда "Илмига амал қилмаслик жазоси" матни берилган бўлиб, ўқувчи ундан ўн хил хулоса чиқариши мумкин.

"Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда Давлат тили" шўъбасида ҳам қизиқарли маърузалар тингланди. Бунда болаларга ўзбек тилини ўргатишда интенсив педагогиканинг коммуникатив усулларидан самарали фойдаланиш, машғулотларга янги педагогик технологияларни дадил олиб кириш, мавзуларни ўтаётганда ўзбек миллий удум- анъаналари, миллий қадриятлардан унумли фойдаланиш кабилар ҳақида мазмунли фикр юритилди ҳамда дарслик етишмаслиги муаммоси кўтарилди.

«Олий таълим» шўъбаси ўз ишини Фарғона Давлат университети мажлислар залида ўтказди. Бунда маърузачилар, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этишди.

"Махсус таълим муассасаларида она тили" шўъбасида аномал болалар нутқи ва ижодий фикрлашини, тафаккурини ўстиришга оид 16 та маъруза тингланди. Бунда янги педагогик технология талаблари асос қилиб олинди. Ривожланишида нуқсони бор болалар саводини чиқариш бўйича тавсиялар тайёрланди.

"Эски ўзбек ёзуви" шўъбасида 10 та маъруза тингланди. Сўзга чиққанлар эски ўзбек ёзуви ва у билан боғлиқ ёдгорликларни эски ёзувда ўқиб ўзлаштириш она тили машғулотларини ўтиш жараёнида ниҳоятда муҳимлигини таъкидладилар.

Анжуманнинг иккинчи куни меҳмонлар гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг шаҳар ва туманларига тарқалишди. Таълим муассасаларида бўлиб, машғулотларни кузатишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот ўтказишди. Вилоят таълим тизимининг барча ўчоқларида тил байрами нишонланди. Анжуман нафаси етмаган бирорта мактаб ёки боғча қолмади. Болаларнинг ҳозиржавоблиги, билағонлиги, бийрон тилда шеър ўқиши, ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услублари анжуман иштирокчиларида илиқ таассурот уйғотди.

Анжуман ишида республика Президенти Девонининг масъул ходими Минҳожиддин Ҳожиматов иштирок этди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда: анжумандан лавҳалар.

А.КАРИМОВ олган суратлар.

Sinab ko'ring

ЭРТАКЛАР — ЭЗГУЛИККА ЙЎЛАКЛАР

Эртаклар болалар ҳаётида алоҳида ўрин тутади, уларнинг тарбиявий ва ахлоқий меъёрларни тушуниб олишларига катта ёрдам беради.

Эртаклар устида ишлашда ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ва диафильмлар, плакатларга чизилган расм ва бошқалардан фойдаланиш кичик ёшдаги болалар тафаккурининг ривожланишида ғоят муҳим ўрин тутади.

Биринчи синфда синфдан ташқари ўқиш дарсларида "Ҳайвонларнинг тортишуви", "Товуқ, ўрдак ва сичқон", "Эчки болалари ва бўри", "Иноқ ҳайвонлар", "Олтин тарвуз" каби эртаклар ўқилади. Бунда асосан сўзларни ифодали, равон, тўғри ўқишга эътибор берилади. Ўқиш мобайнида сўзлар мазмуни тушунтирилади, нутқ ўстиришга диққат қилинади. "Алифбе" ўрганиш давридан кейин бола ўқиш китоби материаллари, хусусан, халқ оғзаки ижоди материаллари билан қизиқиб танишади.

Эртакка қизиқиш болалар табиатига хос хусусиятдир. Бола эртакни тинглаш ва ўқиш билан бирга унинг мазмунини оғзаки ҳикоя қилишга уринади. Бу болалар нутқ фаолиятини ривожлантиришда самарали омилдир.

Эртакни ўрганиш уни синфда ўқишдан бошланади. Биз бирикки ўқувчига эртак мазмунини сўзлатдик. Болаларнинг энг фаолларини дарсдан сўнг олиб қолиб, шар пуфаклардан тарвузчалар, лайлак ниқоби ва деҳқон кетмонини ясадик. Қисқаси, эртакни театрлаштиришга муваффақ бўлдик.

Театрлаштирилган эртаклар ўқувчи нутқини равон қилишда, талаффузини ўстиришда катта ёрдам беради.

Бошланғич синфда ўқувчиларнинг эртаклар мазмуни ва асосий ғоясини яхшироқ идрок этишлари учун оғзаки нутқ ўстиришга доир расмлар, плакатлар, театрлаштирилган эртаклардан ташқари, техник воситалардан ҳам кенгроқ фойдаланиш лозим. "Олтин тарвуз" эртагини саҳналаштириб, болалар ролларини бажаришганидан сўнг, бу эртакда яхшилик ёмонлик устидан ғолиб чиқишини уларга тушунтириб бердик. "Олтин тарвуз" эртаги ўтилаётганда ўқитувчи фақат китобдаги саволлар билан чегараланиб қолмаслиги керак. У дарсда ўқувчилар диққатини ўрганилаётган материалларга жалб этиб, эртак материали асосида қуйидагича қўшимча саволларни бериши мумкин:

1. Нима учун камбағал лайлакни қутқарди?
2. Бой қандай қилиб лайлакни даволади?
3. Сиз улардан қайси бирининг ишини маъқуллайсиз?
4. Нима учун эртакка "Олтин тарвуз" деб ном қўйилган?

Эртак туфайли болалар оламни, ҳаётни қалби билан ҳис этадилар. Бошланғич синфларда она тилида олиб бориладиган барча машғулотларнинг етакчи вазифаси нутқ ўстириш бўлиб, бу дарслар болаларни тушуниб ўқишга, сўзлаш ва ёзишга ўргатиш, уларда китобга муҳаббат уйғотишни назарда тутади. Бундай мақсадни амалга оширишда, энг аввало, ўқувчиларнинг нутқий савиясини яхшилаш, ўз фикрини эркин баён қилишда мос сўз ва иборалардан фойдаланиш, расмлар юзасидан кичик ҳикоя тузиш ва бу жараёнда сўз, гаплар билан бир қаторда ўрни билан ибораларни ҳам ишлата олишга ўргатиш лозим.

2-синфда эртаклар орқали оғзаки нутқни ўстириш билан бир қаторда, улардаги ибораларни ўрганиш яхши самара беради. Масалан: "Икки очкўз айиқча" эртагини ўтишда асарда келтирилган "Одам оёғи етмаган", "бағрига босмоқ", "гапидан чиқмаслик", "ош бўлсин", "кўздан ғойиб бўлди" каби ибораларни ҳам ўқувчилар томонидан тилга олиниши, мазмуни изоҳланишига эришиш керак.

Хуллас, эртаклар бошланғич синф ўқувчиларининг она тилига меҳрини ошириш, улар қалбига инсонийлик, меҳр-мурувват уруғини сингдиришга хизмат қилади.

М. АБДУЛЛАЕВА,
Навоий вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти бошланғич таълим кабинети мудири

Ўзбекистонда Шоислом Шомуҳамедовни танимаган одам оз бўлса керак. Илм аҳли у кишини атоқли эроншунос олим сифатида билса, адабиёт мухлислари форс-тожик мумтоз адабиёти таржимони ва толмас тарғиботчиси сифатида танийди. Яна бир қур одамлар у кишини лирик шеърлар, ҳикматлар ва фалсафий мазмундаги рубоийлар муаллифи сифатида билади.

Шоислом аканинг фаолиятидаги яна бир муҳим қирра — бу том маънодаги устозлиқдир. Бир томондан юзлаб талабалар устоз мураббийнинг форс-тожик классик адабиётига оид дарсларини тинглаган бўлсалар, ундан ортиқ шогирдлар домла раҳбарликларида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаганлар. Албатта, буларнинг барчаси замирида изланиш, ижод ва меҳнат ётади.

Ана шу ҳалол меҳнат туфайли бугун Шоислом ака муўтабар кишилар қаторидан ўрин олганлар. У киши — филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори, Фирдавсий номидаги халқаро мукофот совриндори, яна қатор-қатор унвон ва мукофотлар соҳиби. Аммо бу чўққиларга эришгунча устоз сермеҳнат, сермашаққат ва шарафли йўлни босиб ўтдилар.

Урта Осиё давлат университетининг шарқ факультетига ўқишга кирганларидан сўнг, ана шу даврдан бошлаб форс тили, мумтоз форс-тожик адабиётининг сеҳрли олами у кишини чулғаб олди, устознинг бир умрлик ҳамроҳига айланди. Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий каби сўз санъати даҳоларининг ижоди билан яқиндан танишиш Шоислом аканинг дилидаги адабиётга бўлган муҳаббатни тобора чуқурлаштириб борар, у кишини янги-янги ижодий зафарлар сари етаклар эди. Ана шу муҳаббат туфайли Шоислом ака 80 дан ортиқ китоб ёздилар, юзлаб мақолалар нашр эттирдилар, Ўзбекистонда шарқшунослик таълимини ташкил этишга баракали улуш қўшдилар. 12 йил давомида шарқ факультети декани, 13 йил ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида хизмат қилдилар, кўп йиллар кафедра раҳбари сифатида ишладилар.

Шоислом Шомуҳамедов ижодий фаолиятлари том маънода серқиррадир. Тадқиқотчи олим сифатида Ш.Шомуҳамедов илғор форс ёзувчиси Эҳсон Табарий ижоди ҳақида, форс-тожик классик адабиётидаги гуманизм ғоялари, буюк шоир Амир Хусрав Деҳлавий ижодига оид ўнлаб илмий китоблар, мақолалар нашр эттирдилар. Устознинг бу соҳалардаги ишлари фақат Ўзбекистонда эмас, балки хорижда ҳам кенг танилди ва эътироф этилди.

Шоислом ака ижодига бағишланган суҳбатлардан бирида Республикага таниқли олим Нажмиддин Комилов "Менинг шарқшунослик соҳасига кириб келишимга Ш.Шомуҳамедовнинг "Форс-тожик адабиётлари классиклари" номли китоблари билан танишишим сабаб бўлган, бу китоб менинг қалбимда шу соҳага нисбатан бўлган муҳаббатнинг чуқурлашишига олиб келди", деганлари ҳам буни исботлайди. Чиндан ҳам Шоислом ака нашр эттирган Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абулқосим Фирдавсий ҳаёти ва ижодига оид монографиялар, юқорида тилга олинган "Форс-тожик адабиёти классиклари" китоби халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Шоислом аканинг форс-тожик классиклари афоризмларидан тузилган "Минг бир ҳикмат" номли китоблари 1965 йилда босилиб чиққандан кейин бу адиблар ижодига қизиқиш ўзбек халқи орасида янада кучайди.

Бундан ташқари устоз "Шоҳнома" таржимаси жараёнида мутаржимларга раҳбарлик қилди, ўзи ҳам фаол иштирок этди. Ёшликда кўпроқ лирик шеърлар ёзиб юрган устоз кейинчалик саъдиёна панд-насиҳатлар, ҳайёмона фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган ҳикоятлар, рубоийлар, тўртликлар, туюқ ва фардлар ижод қилишга кўпроқ майл кўрсатдилар.

Яқинда Ш.Шомуҳамедов "Жаҳонни мафтун этган адабиёт" номли бир китоб нашр эттирдилар. Унда шеърий йўлда "Форс адабиёти тарихи" бўйлаб, Рудакийдан то Жомийга қадар шоирларнинг асарларидан саралаб айрим ғазал, рубоий таржималари, насрий парчалардаги фикрларни назмга солиб, муаллифлари ҳақида ғоят мухтасар шеърий маълумот бериб борилган. Шарқ шеъриятида бир анъана бўлган — фанлар моҳиятини, диний муддаолар, ҳадислар шеърий йўлда баён этилган.

Шоислом аканинг босиб ўтган йўллари, қилган ишлари ҳам бир дарё. Уларни санаб, тавсифлаб адоғига етиш қийин. У киши қилган ишларнинг, Ўзбекистон шарқшунослиги, ўзбек халқи маданиятининг ривожига қўшган ҳиссаларининг аҳамиятини англаб етиш учун устоз ёзган асарлар билан яқиндан танишиш керак. Агар шундай қилинса, бугунги кун инсонлари учун, ёш авлод учун ибрат буладиган талай нарсалар очилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Суйима Ғаниева,
Раҳмон Иномхўжаев,
филология фанлари номзодлари

СЕРЖИЛО ИЖОД СОҲИБИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактаби»га қабул танлови учун

ТОПШИРИҚЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

БИОЛОГИЯ

1. Ясси чувалчанглардан оқ планариянинг ҳазм қилиш, айириш ва нерв системалари қандай тузилган?

2. Халқали чувалчанглардан ясси ва юмалоқ чувалчанглардан қандай фарқ қилади, ҳалқалиларнинг теримускул халтаси қандай тузилган?.

3. Тиббиёт зулугининг яшаш муҳити, ташқи тузилиши, ҳазм қилиш системаси қандай ва тиббиётдаги аҳамияти нимадан иборат?

4. Дарё қисқичбақасининг тузилиши, озиқланиши қандай? Қисқичбақасимонлар табиатда ва одам учун қандай аҳамиятга эга?

5. Ҳашаротларда жинсий деформизм ва полиморфизм нимадан иборат? Чала ва тўлиқ ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар турларига қайсилар киради?

6. Ҳужайра ва тўқималарни ўсимликларнинг вегетатив органларига нисбатан жойлашиши, тузилишдаги ва функциясидаги ўхшашлиги ҳамда фарқлари.

7. Ўсимликларнинг ҳар хил экологик (чўл, тоғ, ўрмон, сув, тўқай ва бошқа) шароитларда ўсиш учун ҳосил қиладиган мослашувлари.

8. Ҳар хил ўсимликларда (сувўтлари, мохлар, қирқбўғинлар, қирққулоқлар, ёпиқ ва очиқ уруғлилар) кўпайиш органларининг соддаликдан мураккабликка қараб ўзгариб бориши.

9. Ўсимликларнинг ер остки ва ер устки қисмларидаги ўхшашликлар ва фарқлар.

10. Симбиёз яшашга мослашган организмлар ва уларни ҳосил қилувчи компонентлар.

11. Ҳужайранинг қайси органоидлари мустақил кўпайиш ва моддаларни синтезлаш хусусиятига эга?

12. Анаэроб ва аэроб парчаланишнинг энергия эффектини (ФИК) тушунтириб беринг.

13. Х хромосома орқали ирсийланадиган қандай касалликларни биласиз? Уларни таърифланг.

14. Орол бўйи минтақаларидаги экологик вазият ҳақида нималар биласиз?

15. Трансген организмлар олиш бўйича олимларнинг қандай ишларини биласиз?

16. Қўнғир толали ғўза ўсимликлари оқ толали ўсимликлари билан чатиштирилганда F_1 да олинган ўсимликлар оч қўнғир толали бўлган. F_1 ўсимликлари ўзаро чатиштирилса, F_2 да қандай фенотипларга эга бўлган ўсимликлар олинади? Генотипик ва фенотипик классларнинг нисбатини аниқланг?

17. Дрозофилла пашшасида танасининг кулранг бўлиши *А* генига, қора бўлиши *а* генига, қанотининг узун бўлиши *В* генига, қанотининг калта бўлиши *в* генига боғлиқ. Қуйидаги генотипларга эга бўлган пашшалар чатиштирилганда кейинги авлодда олинган пашшаларнинг генотипи ва фенотипи қандай бўлади?

а) *АаВв* х *аавв*; б) *АаВв* х *АаВв*.

18. Кўк кўз чапақай қиз жигарранг кўз ўнақай йигитга турмушга чиққан. Оилада кўк кўз чапақай бола туғилган. Шу оилада яна қандай фенотипга эга болалар туғилиш эҳтимолликлари бор? (Жигарранг кўз – *А*, кўк кўз – *а*: ўнақай – *В*, чапақай – *в*)

19. Чекланмаган шоҳли, қўнғир толали ғўза ўсимликлари чекланган шоҳли, оқ толали ўсимликлари билан чатиштирилса, F_1 да чекланмаган шоҳли ва оқ қўнғир толали ўсимликлар олинади. F_1 ўсимликлари ўз-ўзига чатиштирилса, F_2 ўрганилаётган белгилар бўйича қандай фенотипга эга бўлган ўсимликлар олиш мумкин? Фенотипик синфларнинг нисбатини аниқланг.

20. Чипор хўроз чипор товуқлар билан чатиштирилганда кейинги авлодда олинган жўжаларнинг 25 фоизи қора бўлган. Лекин қора жўжаларнинг ҳаммаси кейин товуқ бўлган. Чипор жўжаларнинг 1/3 қисми товуқ бўлган. Чатиштириш учун олинган хўроз ва товуқларнинг генотипини аниқланг. Нима учун чипор жўжаларнинг ҳаммаси хўроз бўлган?

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

1. Берилган натурал К дан кичик ва натурал М дан катта бўлмаган барча туб сонлар чоп этилсин.

2. Берилган натурал *X(N)* массивининг барча элементлари 1, 2 ёки 3 сонларидан иборат. Қўшимча массив эълон қилмасдан, бу массивда аввал фақат бирлар, кейин фақат иккилар, охирида эса фақат учлар қайта жойлаштирилсин.

3. Берилган натурал *X(N)* массивидаги ўзаро туб жуфтликлар миқдори ҳисоблансин.

4. Оддий касрни қисқартириш. Икки М ва N натурал сонлар берилган. Умумий бўлувчиларга эга бўлмаган ва *M1/N1=M/N* тенгликни қаноатлантирувчи натурал *M1* ва *N1* сонлар топилсин.

5. Календар. Учта, мос равишда сана, ой ва йилни билдирадиган А, В ва С натурал сонлар берилган. Шу сонлар англатадиган кунни жорий йил бошидан санагандаги номери аниқлансин.

6. Ҳақиқий х сони берилган. Қўшиш, айириш ва кўпайтириш амалларидан ташқари бошқа амаллар ишлатмасдан

$5x^4-4x^3+3x^2-2x+1$

ифоданинг қиймати ҳисоблансин. Бунда ишлатилган кўпайтириш ҳамда қўшиш-айириш амаллари сони мос равишда тўрттадан ошмаслиги зарур.

7. Евклид алгоритми. Икки сонни энг катта умумий бўлувчиси (ЭКУБ)ни аниқлашда *Евклид алгоритми* бу миқдорни қуйидаги хоссасига таянган. Фараз қилайлик m ва n бир вақда нолга тенг бўлмаган хамда m>n шартини қаноатлантирувчи манфий бўлмаган бутун сонлар. У ҳолда, агар n=0 бўлса, ЭКУБ (n,m) =m, агар n№0 бўлса, m, n ва r сонлари учун (бунда r сони m-ни n-га бўлишдаги қолдиқ) қуйидаги НОД(m,n)=НОД(n,r) тенглик бажарилади. Масалан: ЭКУБ (15,6)=ЭКУБ (6,3)=ЭКУБ (3, 0)=3.

Натурал m ва n сонлар берилган бўлсин.

Евклид алгоритми асосида m ва n натурал сонлар учун энг катта умумий бўлувчи (ЭКУБ) топилсин.

8. Евклид алгоритми асосида m ва n натурал сонлар учун энг кичик умумий каррали (ЭКУК) топилсин.

9. Бизга натурал n ҳамда *a*, $x_1,\ldots, x_n$ бутун сонлар берилган бўлсин. Агар $x_1,\ldots,x_n$ кетма-кетлигида камида битта сон *a*-га тенг бўлса, барча ҳадлар йиғиндиси топилсин, акс ҳолда жавобда "йўқ" сўзи чоп этилсин.

10. Берилган N натурал сонни барча натурал бўлувчилари топилсин.

11. Натурал n ва q<< n сонлари берилган. Агар p << n бўлса ҳамда q^2 -га бўлиниб, q^3 -га бўлинмаса, чоп этилсин.

12.Натурал m ва n сонлар берилган. Бу сонларнинг кўпайтмаси mn-дан ошмайдиган барча умумий каррали сонлари топилсин.

13. Натурал n сонини р-лик саноқ системасидаги ёзувида саноқ системасининг нечта турли рақамлари иштирок этганлиги ҳисоблансин.

14.Элементлари турли бўлган, *n* х *m* ўлчовли ҳақиқий матрица берилган. Ҳар бир сатрда аввал энг кичик элемент, сўнг топилганлар ичида энг каттаси топилиб, унинг индекслари аниқлансин.

15. Натурал n сони ва $s_1,\ldots, s_n$ белгилар кетма-кетлиги мавжуд. Бу кетма-кетликда фақат бир маротаба иштирок этадиган белгилар чоп этилсин.

16. Ҳақиқий a, b, c, d сонлар берилган. Томонлари параллел бўлиши шарт эмас, деган фараз остида, эни ва бўйи мос равишда c, d бўлган тўртбурчак ичига a, b ўлчамли тўртбурчакни жойлаштириш мумкинлигини аниқловчи дастур тузилсин.

17. Натурал n сони ва ҳақиқий $x_1,\ldots, x_{3n}$ сонлар берилган. Бу $x_1,\ldots, x_{3n}$ сонлар кетма-кетлиги текисликда томонлари координата ўқларига параллел n -та квадратни қуйидагича аниқлайди: x1, x2-биринчи квадрат марказининг координаталари, x3 эса унинг томони узунлиги, x4, x5, x6-сонлар мос равишда иккинчи квадратни, x7, x8, x9-сонлар учинчи квадратни белгилайди ва ҳоказо. Агар барча квадратларда бир вақтда тегишли нуқталар мавжуд бўлса, улардан биттасининг координатаси чоп этилсин.

18.Тасодифий ҳолда текисликда берилган N-та нуқта учун энг катта юзага эга учбурчак ташкил этувчи учта нуқта кўрсатилсин.

19. Текис юзага эга мамлакатда N -та шаҳар бор. Бу шаҳарларни ўзаро боғловчи, умумий узунлиги минимал бўлган телефон тармоқлари схемасини тузувчи дастур ёзилсин.

20. Ўлчовлари MxN (1<M<10 000, 1<N<10 000) бўлган кўлда Ҳасан балиқ овламоқчи. Ҳасан ўтирган қайиқнинг бошланғич координиталари (0,0) бўлса, у қандай юзадан балиқ овлаши мумкин?

Танловда иштирок этган ўқувчилар топшириқлар ечими билан бирга ўз манзиллари ёзилган бўш конвертни ҳам юборишлари сўралади.

Бу китобни қаердан олиб ўқидингиз деган саволимизга Дарслигимизда бор" деб берилган жавоб эса ақлимизни шошириб қўйди. Гуруҳ аъзолари охирги ўтган уч ой давомида қандай китоб ўқиганликларини айтиб бера олмадилар.

Шифокорнинг фикрига кўра, ҳар бир хонадонда бронза ёки мисдан ясалган қўнғироқ, вақти-вақти билан чалиниб турса, оила аъзоларининг асаб ва юрак фаолия-тида яхши томонга ўзгариш бўлади.

КИТОБСЕВАРЛАР ЙИҒИЛГАН КУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу нарсаларни билиш учун у кутубхонага келади ва секин-аста китоб ўқиш кўникмасига ҳам эга бўлади.

Республикамизнинг барча вилоятларида, туманларида 467 та болалар ва ўсмирлар кутубхонаси фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, бу кутубхоналар билан мактаб кутубхоналари ўртасида ҳамкорлик йўқ. Бола ярим кун мактабда бўлгач, тушдан сўнг ҳеч қачон мактаб кутубхонасига қайтиб келмайди. У кўпроқ турли тўгаракларга ёки автомат ўйинлар бор жойга югуради. Мактаб кутубхонаси билан туман ва вилоят болалар кутубхоналари ўртасида қандайдир дастур асосида ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилса, нур устига нур бўларди.

Барча зиё масканлари ходимларини қийнайдиган яна бир муаммо янги имлодаги китобларнинг кутубхоналарга жуда кам миқдорда етиб келаётганлигидир. Янги имлода чоп этилаётган китобларнинг 30-40 фоизигина кутубхоналарга етиб келмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, кутубхона бепул хизмат кўрсатувчи ягона маскандир. У ердан бемалол фойдаланиш, билим олиш, зиё масканида дунёқарашни ўстириш учун изланиш мумкин. Буни болаларимиз ва уларнинг ота-оналари яхшироқ тушунишлари лозим.

"Китобсеварлар" анжумани қизғин баҳс-мунозаралар билан давом этаётган бир пайтда, биз вилоятлардан ташриф буюрган ўқитувчи ва ўқувчилар билан ҳам суҳбатда бўлдик.

Наманган вилояти Чортоқ туманининг Улуғбек номли 22-мактаби "Ҳилол" жамоаси ушбу танловга муаллимлари Муҳаммадвали Маматвалиев ёрдамида тайёрланишибди. Улар тайёрлаб келган кўргазмали стендлар, мустақиллик, эркинлик ғоялари акс этган улкан китоб макети барчада қизиқиш уйғотди. Наманган вилояти вакиллари қуйлаган "Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан!" номли қўшиқ барчани тўлқинлантириб юборди.

Афсуски, уларнинг шундай нуфузли танловга қатнашишларини кўнгилли ташкил қилиш, ўқувчиларнинг Тошкентга келиб-кетишларини уюштириш, уларни маблағ билан таъминлаш масаласи билан на Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси, на Чортоқ тумани халқ таълими бўлими қизиқибди. Шундай бўлса-да, Пешқўрғон қишлоғи ота-оналари ва ўқитувчилар ёрдамида болалар ушбу танловда қатнашаётган эканлар.

Ҳар бир ота-онанинг орзуси фарзанди камолини кўриш, уларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам беришдир. Ўқувчилар билан суҳбат жараёнида биз томонга қараб-қараб қўяётган бир киши эътиборимизни тортди. Бирорта вилоятдан келган ўқитувчи бўлса керак, деб ўйлаётган пайтимизда, у киши келиб суҳбатга қўшилди.

— Мен Қашқадарё вилояти Косон туманининг 4-мактаб «Соғлом авлод» жамоаси билан бирга келганман. Шу жамоа сардори Юлдуз Қодиркулованинг отасиман. Қизимни шундай беллашувда иштирок этиши мени жуда қувонтирди ва бу ерда ҳам унга, унинг жамоасига далда бўлиб туриш учун келдим. Мени Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли, ақлли ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари жуда руҳлантиради. Бугунги кунда ёшларга, болаларга берилаётган эътибор, уларнинг қобилиятларини очишга ёрдам бераётган шундай беллашувларнинг кўплаб ўтказилиши мени ҳам ўз фарзандларимнинг билим олишига яхшироқ эътибор қаратишга ундайди. Қизим Юлдуз араб тилини ўрганаяпти. Унга керакли бўлган адабиётлар, луғатларнинг барчасини топиб беришга ҳаракат қиляпман, ниятим 6 нафар фарзандимнинг барчасини эл-юрт корига ярайдиган, ўқимишли, қобил фарзандлар қилиб тарбиялаш, — деди Назаркул Қодиркулов.

Сирдарё вилояти Ш.Рашидов тумани 18-мактабнинг "Камолот" жамоаси аъзоси Ирода Турдибекова охирги марта З.Саидносировaнинг "Ойбегим менинг" номли китобини ўқиб чиққанлигини, у замон нафаси сезилиб турган, лирик қаҳрамонлар ҳаёти акс этган китоблар ўқишни ёқтиришини айтди. «Сизнинг тасаввурингиздаги асар қандай бўлиши керак?» деб берган саволимизга, у: — Бугунги кунда мактабни битириб янги ҳаёт остонасида турган қиз болаларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати, улар билиши керак бўлган нарсалар ҳақида кенг ва атрофлича ёритилган асарлар жуда кам. Мен истардимки, шундай асар яратилсаки, унда қиз болалар учун керак бўладиган барча-барча маълумотлар муҳайё бўлса, — дея жавоб қайтарди.

Бу анжуманга ҳафтада бир ёки икки китоб ўқийдиган, туну кун ўша китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан бирга яшайдиган, қандай китоблар ўқидинг, деб берган саволимизга беш-олтита китоб номини қаторлаштириб айтиб ташлайдиган ўқувчилар келишади, деб бироз янглишибмиз, шекилли. Чунки, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани 29-ўрта мактабнинг "Истиқлол" гуруҳи аъзоларидан юқоридаги саволни сўраганимизда гуруҳ аъзоси Оксана Нарзиқулова О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" асарини ўқидим деб жавоб берди. Бу китобни қаердан олиб ўқидингиз деган саволимизга "Дарслигимизда бор" деб берилган жавоб эса ақлимизни шошириб қўйди. Гуруҳ аъзолари охирги ўтган уч ой давомида қандай китоб ўқиганликларини айтиб бера олмадилар. Улар Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган "Китобсеварлар" танловида 362 балл олиб, республика босқичига чиқишган экан.

Китобнинг вазифаси китобхонни эзгуликка чорлаш. Тасаввур қилинган китобни ўқиш эса китобхон учун олий бахт.

Анжуман қизғин баҳс-мунозалар остида ўтди. Лекин бизни бир нарса ўйлантириб қўйди. Шундай катта беллашув бўлиб ўтаётган пайтдаги тартибсизликлар, саҳнада ўқувчилар жон куйдириб нимадир қилаётган пайтда кўпчиликнинг ўша ердаги кишиларга қилаётган ҳурматсизлиги (залдан хоҳлаган киши чиқиб кетмоқда, хоҳлаган киши кириб келмоқда) кишини ажаблантирди.

Яна бир гап. Иштирокчилар 10 та шарт бўйича беллашдилар. Афсуски, бу шартларнинг баъзилари: жамоага умумий тест ва жамоа сардорига алоҳида тест, шеърхонлик ва бирор санага бағишланган шеър айтиш бирбирини такрорлагандек. Тузилган тест саволларининг соддалиги ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан барчанинг бир хил баҳоланишига сабаб бўлди. Энг зукко ва изланувчан, китобга меҳру муҳаббат қўйган ўқувчи учун саволларнинг оддий бўлиши бизнингча, беллашув савиясига путур етказгандек.

Хуллас, танлов ғолиблари ҳам аниқланди. Халқ таълими вазирлигининг "Маънавият ва қўшимча таълим" бошқармаси мутахассиси Тоира Султонова берган маълумотларга кўра, 1-ўринга бир йўла икки жамоа — Фарғона вилояти вакиллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси китобсеварлари лойиқ топилган бўлса, 2-ўрин Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилояти жамоаларига насиб қилди. Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри китобхонлари 3-ўрин билан кифояланишди. Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Китобсеварлар анжумани якунланди. Ўйлаймизки, келгуси йилда ушбу нуфузли анжуман яна ҳам қизиқарли ва жонли ўтади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: анжумандан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилоятидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида "Ўзбекистон Ватаним маним" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент вилоят педагогика билим юрти хор жамоасининг "Боғларингга бир гул бўлиб чўмдим, Ватан", Олмалиқ давлат техника коллежи жамоасининг "Ушбу Ватан барчамизга Ватандир", Ангрен политехникуми талабаси Ўктам Исмонов ижросидаги "Эгаси бор юртнинг эртаси бордир", Тошкент вилоят ПБЮ талабаси Дилафрўз Эшимова ижросидаги "Азиз Ватаним", Чирчиқ давлат техника коллежи талабаси Заҳро Муҳиддинова ижросидаги "Она Ватан" каби юрт ҳақидаги турфа қўшиқларни эшитиб, Оққўрғон касб-ҳунар коллежи талабаси Нигора Бойтўраева, Тошкент тадбиркорлик коллежи талабаси Бахтинисо Худойбердиева, Тошкент вилоят ПБЮ, Оққўрғон касб-ҳунар коллежи, Қуйи-Чирчиқ тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи каби жамоаларнинг рақсларини кўриб, томошабинларнинг қалблари ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб кетди.

Ёш ижодкорлар миллий қўшиқчилик санъатининг нозик наволари билан замонавий эстрада йўналишининг ўзига хос жиҳатларини ягона туйғу – Ватан туйғуси билан суғорган ва уларни мукаммал даражада уйғунлаштирган эдилар.

"Ўзбекистон Ватаним маним" кўрик-танлови эса янги иқтидорларни кашф этишда давом этади. Яна оз фурсатдан сўнг танловнинг республика босқичи бошланади. Фақат билими билангина эмас, ижодкорлик маҳоратлари билан ҳам ўзини намоён қилаётган ЎМКҲТ тизими ўқувчи-талабаларига омад тилаб қоламиз.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Маърифат" мухбири

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

"Пахтакор" стадионига йиғилган 50 минг томошабин-ишқибозларнинг ҳеч қайсиниси Ўзбекистон терма жамоасининг Хитой Тайпейи жамоасини енгишга шубҳа қилмаган эди. Уларни легионерларимиз ва яқинда Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилган 4 нафар янги ўзбекистонликларнинг ўйинга киришиши қизиқтираётганди.

Айтиш мумкинки, улар мухлислар ишончини бир қадар оқлашди. Одатда кучсиз жамоалар билан ўйнаганда "очилиб" кетадиган Ирисметов тайванликлар дарвозасига 4 тўп йўллаган бўлса, Маминов, Дионисиев ва Георгиевлар терма жамоамиздаги биринчи ўйинларидаёқ дастлабки голларини уришди. Қосимов ҳар галгидек "марказ" вазифасини қойилмақом қилиб уддалаган бўлса, Ўзбекистон терма жамоасининг ўзбекистонлик ўйинчиларидан Сайткамоловнинг ҳаракатлари мухлислар олқишига сазовор бўлди. Дарвозабон Беляковнинг маҳорати нечоғли эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга ҳали эрта. Чунки, тайпейликлар бу ўйинда уни деярли безовта қилишмади.

Ўзбекистон-Хитой Тайпейи-7:0. Бу ҳали Япония-Жанубий Корея-2002 ёки иккинчи босқич ҳам эмас. Баъзи саволларга бугунги ўйин жавоб беради: "Пахтакор" марказий стадиони, 19.00. Ўзбекистон-Туркманистон-?-?

Ҳусайн БЕК

Xullas...

ҚЎНҒИРОҚ ДАВОЛАР ЭКАН

Мусиқанинг даволаш хусусияти борлигини билсангиз керак. Руҳан толиққан киши дутор, рубоб, ғижжак, скрипкадан таралган навони тингласа, қайфияти кўтарилади. Бу фикрни ҳаммамиз бажонидил қабул қиламиз. Аммо қўнғироқлар ҳам инсоннинг руҳий ҳолатида учрайдиган ҳорғинликни йўқотишга қодир экан.

Бу Санкт-Петербургда беморларни шу усул билан даволаб кўрган психотерапевт Андрей Гнездиловнинг тажрибаларида ўз тасдиғини топди.

Қўнғироқлар билан даволаш 1917 йилга қадар Россияда яхшигина ривожланган. Кейинчалик, аср ўрталарига келиб, айрим черковларнинг ёпилиши муносабати билан, қўнғироқлар ҳам камайиб кетган. 80-90-йилларга келиб эса мутахассислар қадимий анъанани тиклашган. Тоат-ибодат учун черковга келганлар қўнғироқ садосини эшитиб, юракларидаги "дарз" анчамунча чекинар экан.

Андрей Гриздилов эса қадимий анъананинг энг замонавий мутахассисидир. У ҳузурига келган бир қанча беморларни бронзадан ясалган қўнғироқ сеанслари билан даволамоқда. Уч бемордан биттасининг фикри ижобий.

Шифокорнинг фикрига кўра, ҳар бир хонадонда бронза ёки мисдан ясалган қўнғироқ вақти-вақти билан чалиниб турса, оила аъзолари асаб ва юрак фаолиятида яхши томонга ўзгариш бўлади.

БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН ЭДИ...

Кёльн шаҳри фуқароси доллар тўла сумка билан полициядa кириб келганида, постдагилар бир-бирларига ажабланиб ҳарашди. Бунақаси ҳали бўлмаган эди... Бир сумка пул-а, бундай пайтда унча-мунча одам ўзини йўқотиб қўйиши турган гап.

Аммо минг эмас, беш минг эмас, ўн беш минг долларни топиб олган хоним ўта виждонли чиқиб қолди. Тартиб-интизомни, ҳалоллик ва диёнатни ҳамма шу аёл каби қадрласа-ку...

Банкда ўз ҳисобига бу пулни қўймоқчи бўлган одамнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қиларсиз. Полиция маҳкамаси орқали ўз жам-ғармасига қайтадан эга бўлган ҳалиги киши суюнчига бир шиша шампан виноси ва маълум миқдорда пул берди.

Виждон амри билан иш тутишга ҳамма ҳам қодир эмас...

УЧАР "УЧАДИГАН" БЎЛДИ

Олифталик бобида кетворган бир жаноб "Жигули"-да учиб кетмоқда. Са-а-л "даража"си бор эканми, тезликни меъёридан ошириб, милиция постининг бетон билан ҳимояланган деворини зарб билан уриб юборса, денг.

Тюменда бундай постларни нари-бери суриш қулай бўлиши учун юпқа бетон плиталаридан тиклашади.

Олифтанинг "масала"сига келсак, машинада "учган" бўлса, энди махсус машинада махсус жойга "учадиган" бўлди.

ana shunaqa gaplar...

Рўзимат Даминов — тиниб-тинчимайдиган инсон. Узоқ йиллар турли маданият муассасаларида хизмат қилди. Халққа яқинлик — унинг ҳаёт аъмоли. 80 ёшдан ошибдики, ҳамон бардам. Қалбида эзгулик, тилида дуо, қўлида қалам. Қуйида фахрий шоирнинг янги ижод намуналарини ҳавола этмоқдамиз.



ОНА ДУОСИ

Бахтинг кулиб қуёш қўнса бошингга,
Болдан ширин лаззат тўлса ошингга,
Садоқатли ёринг бўлса қошингда,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

Соғлом иймон, хулқ-одобда, ибратинг,
Эл-юрт ичра ортаверса ҳурматинг.
Ҳалол дея улуғланса меҳнатинг,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

Юксак бўлса мансабларинг, гердайма,
Тузин ичган тузлуғингга тупурма.
Ризқи-рўзғор шукр айла, кам дема,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

Бойлик дебон хиёнатга қўл урма,
Ҳаромхўру ноинсофга қул бўлма.
Билиб-билмай жиноятга қур бўлма,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

Ватан-битта, ота-она ягона,
Юрагингда яшаётган дурдона.
Ҳалол меҳнат ила дунё тўйхона,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг

Вазмин, камтар бўлишликни унутма,
Ош-нонингни чайнамасдан ҳеч ютма.
Дўст ишонган бегонага сир айтма,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

Бахтинг кулиб қуёш қўнса бошингга,
Болдан ширин лаззат тўлса ошингга.
Ҳалол, содиқ ёринг тургай қошингда,
Аввал Оллоҳ, дуосидир онанинг.

ЯШИЛ ЭҲТИШОҲЛАР

Лола излаб олис бормаймиз,
Яшил қишлоқ-сўлим баҳорим.
Боғдан асло гуллар узмаймиз,
Булбул сайрар субҳи наҳорим.
Майин эсган ипак шаббода,
Гул исини сочар димоққа.
Қуёш нури заррин бир бода,
Тоғлар акси тушар булоққа.

Майсалардан тўшалди гилам,
Куйлаб оқар жилға, булоқлар.
Кўз олдимда ёришар олам,
Поёнсиздир яқин-йироқлар.

Келинчакдай далаю боғлар,
Кўнгилларда ҳаёт қувончи.
Рўпарамда пурвиқор тоғлар,
Обод қишлоқ — Ватан суянчи

Саҳоватли яшил қишлоғим,
Тоза ҳаво, шифо маскани.
Меҳринг тафти-ёниқ чироғим.
Тупроғингдан порлоқ иқболим.

Лола излаб олис бормайман,
Меҳнат қилиб асло толмайман.
Яшил қишлоқ сўлим баҳорим,
Яйрар, чертсам
танбур, дуторим.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Maktab o'quvchilari VI spartakiadasi

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Мактаб ўқувчиларининг анъанавий спартакиада мусобақалари қобилиятли ёш спортчилар маҳорати кўриги сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг апрель-май ойларида ўтказиладиган Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқувчилар VI республика спартакиадаси дастурига кўра, спортнинг бокс, эркин кураш, юнон-рум ва дзюдо кураши, сузиш, теннис, оғир атлетика, акробатика, бадиий гимнастика, кураш (Фарғона ва Бухоро усуллари) бўйича чемпионлик учун кураш олиб боришади.

Мусобақалар Ангрен, Урганч, Фиждувон, Самарқанд, Навоий, Қарши, Андижон ва Тошкент шаҳридаги спорт базаларида ўтказилади.

Самарқанд шаҳрида 19-22 апрель кунлари юнон-рум кураши, Тошкентда акробатика бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Ангрен шаҳрида боксчилар, Фиждувонда дзюдо кураши бўйича мусобақалар давом этмоқда.

БУХОРОЛИКЛАР ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

Самарқанд Олий спорт маҳорати мактабида 1984-85 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича уч кун давом этган беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятидан ташқари барча вилоятлардан 112 нафар ўқувчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа бош котиби Р.Байрамов республика спартакиадаси ўтказилиши учун жуда яхши шароит яратиб берилганлигини таъкидлади.

Ўн хил вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Бухоро вилояти спортчилари 259 очко жамғариб, спартакиада чемпионлари бўлишди. Тошкент шаҳри командаси иккинчи (247 очко), Самарқанд вилояти вакиллари учинчи (238 очко) ўринларни эгаллашди.

Фарғона, Андижон, Навоий вилоятлари вакиллари 4—6-ўринларни олишди.

Вазн тоифаларига кўра, тошкентлик А.Мелибоев (42 кг), В.Жонхўрозов (58 кг), И.Иброҳимов (76 кг), фарғоналик А.Сиддиқов (46 кг), бухоролик К.Муҳсинов (50 кг), Т.Турдиев (54 кг), андижонлик Т.Мадумаров (63 кг), самарқандлик Ф.Файзиев (69 кг), Б.Тўраев (100 кг), навоийлик И.Фахриддинов (85 кг) ғолиблик шоҳсупасидан жой олди.

Ғ.МАННОПОВ

"ЯШИЛ ЧИРОҚ-2001"

Йўл қоидаси—умр фойдаси. Бу ҳикматга ким қандай ёндашмасин, унинг чинлиги кундалик ҳаётий тажрибаларда намоён бўлаверади. Инсон учун энг муҳими, унинг соғлиги экан, йўл ҳаракати билан боғлиқ қоидалар ҳам у учун муҳимдир.

Республика бўйлаб ўтказилаётган мактабларо "Яшил чироқ-2001" танловлари ўз ниҳоясига етай деб қолди. Куни кеча Акмал Икромов туманидаги 312-мактаб биносида жойлашган КТТМ биносида ана шундай танловлардан бири муваффақиятли якунланди. Мусобақа тумандаги 106-мактабнинг "Коинот", 107-мактабнинг "Пешеходы", 116-мактабнинг "Зийрак", 123-мактабнинг "Лочин", 203-мактабнинг "Лочин" ва 296-мактабнинг "Яшил чироқ" гуруҳлари ўртасида бўлиб ўтди. Сафда юриб қўшиқ айтиш, велосипедда фигурали учиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби шартлар барча гуруҳлар томонидан аъло бажарилди. Айниқса, 296-мактаб ўқувчиларининг бу борадаги билимдонликлари ҳакамларни ҳам шошириб қўйди. Мусобақа ташкилотчиси Равшан Ибрагимов, ДАН ходими Пўлат Тожибоев, халқ таълими нозири Фозил Содиқов ва бошқа ҳакамлар гуруҳлар фаоллигидан мамнун бўлишди. Ўтказилган туман мусобақасида 116-мактабнинг "Зийрак" гуруҳи ғолиб деб топилиб, финал босқичига йўлланма олдилар.

Муножат МЎМИНОВА

ДАРВЕШОНА НИМА?

Qadriyat

Дарвешона халқимизнинг қадим замонлардан бери уюштирилиб келинаётган баҳорий таоми бўлиб, баъзи жойларда ҳалим, ҳадиса, ҳалса деб ҳам аталади. Ота-боболаримиз дарвешонани калорияга бой ва баҳорнинг мазали таоми деб билганлар. Бу таомни қадимда асосан бойлар ва ўзига тўқ аҳоли уюштирган ва яқин атрофдаги аҳолига эҳсон сифатида улашганлар. Ўша вақтлардан бери дарвешонани ҳар дардга даво эканлиги ва кишига жисмоний куч бағишлаши маълум.

Таом пишириладиган кун сайлга айланиб кетади. Қадимда сайлда ёши улуғ кишилар мазкур йилги ҳосил ҳам мўл-кўл бўлсин, деб қўлларини дуога очишган. Сайл ўттандан сўнг эса деҳқонлар дала ишларини бошлаб юборганлар.

Дарвешона баҳор таоми бўлгани учун табиат қўйнида пиширилади ва тановвул қилинади. Бу таомдан ўткинчилар ҳам баҳраманд бўладилар.

Бизнинг қишлоғимизда ҳам дарвешона бўлиб ўтди. Биз ўқувчилар бу қадимий сайлда қатнашдик.

Қандай яхши қадриятларимиз бор!

Аюбхон АСРОРОВ,
Тайлоқ туманидаги 26-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Шайхонтоҳур туманидаги 167-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Розмухамедов Ориф Нигматович номига берилган 021751 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика рассомлик коллежи жамоаси Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, академик Турсунали Қўзиевга онаси **ИБОДАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси "Фалсафа тарихи ва мантиқ" кафедраси доценти М.Шариповга онаси **Эсонгул ая АБДУКАРИМ қизининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

QUTLOV

Ҳурматли Ҳуринисо АБДУВОҲИДОВА!

40 ёшга тўлганингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, соғлик ва тинчлик-фаровонлик тилаймиз.

ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи жамоаси



Ҳурматли Носир Фармонов!

Сизни 60 баҳорни қаршилаётганингиз ҳамда педагогик фаолиятингизнинг қирқ йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз. Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактабда кечган самарали ҳаётингиз бизга ҳамиша сабоқ бўлиб қолади. Яқинларингиз бахтига соғ бўлинг.

Эҳтиром билан мактаб жамоаси ва синфдошларингиз

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
навбатчи: Ботир ҒОФУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150, Г-2217. Тиражи 38.105.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.30.